



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI  
**BUYRUQ**

2021- yil 28 iyun

Toshkent sh.

134-sonli

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сонли  
Фармонининг ижросини таъминлаш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони ижросини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сонли Фармони **раҳбарлик ва ижро учун** қабул қилинсин.

2. 2021 йил 1 декабрдан бошлаб мазкур Фармоннинг 11-бандида кўрсатилган методика асосида ҳар йил якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси аниқланиши, натижалар расмий веб-сайт ва оммавий ахборот воситалари орқали оммага етказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Сув хўжалиги вазирлиги тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида вазирлик ва тизимдаги ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида фаолиятга доир очиқ маълумотларни жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ишчи гуруҳ (А.Назаров):

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси ва Қонунчилик палатаси спикери томонидан 2021 йил 20 июнда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик

назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони ижросини ҳудудларда ташкил қилиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ўз муддатларида бажарилишини таъминласин;

ҳар йили 1 мартга қадар вазирлик фаолиятига оид ҳисоботни расмий веб-сайтларга жойлаштириш, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беришни;

1 апрелга қадар вазирлик фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманлари ўтказишни таъминласин;

2021 йил 1 июлдан бошлаб қуйидагилар:

амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан, индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

вазирликнинг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан, объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомобилотransпорт воситаларини сотиб олиш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталига ва вазирлик расмий веб-сайтига жойлаштириб, уларни ҳар чорақда янгиллаб бориш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 июлдан бошлаб вазирлик ҳузурида фаолият юритувчи Жамоатчилик кенгаши билан биргаликда расмий веб-сайтда:

Жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

Жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар; давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими);

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан, ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотларни (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими) жойлаштириб, уларнинг ҳар чорақда янгиланиб борилишини таъминласин.

5. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш шўъбаси (Ш.Суюнов) ҳамда Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (У.Султонов)га вазирлик тизимида очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи О.Нуриддинов Ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали – data.gov.uz сайтига тақдим этилган вазирлик фаолиятига оид очик ахборотлар water.gov.uz веб-сайтида ташкил этилган “Очик маълумотлар” бўлимида ҳам жойлаштириб борилишига шахсан масъул этиб белгилансин.

7. Вазирлик тизимидаги республика ва ҳудудий ташкилот ҳамда муассасалар раҳбарлари ушбу буйруқ талаблари асосида **бир ой муддатда** ўз расмий веб-сайтларини ва уларда “Очик маълумотлар” бўлими ташкил этилишини ҳамда зарур очик ахборотлар эълон қилиниши ва уларнинг ўз вақтида янгиланиб борилишини таъминлаш учун шахсан масъул ва жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



Ш. Хамраев